

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ, НУКУС ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ, УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.20.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ОРЫНБЕТОВ НУРЫЛЛА ТУРДЫМУРАТОВИЧ

**МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ
ЭЛЕКТРОТЕХНИКА, РАДИОТЕХНИКА ВА ЭЛЕКТРОНИКА
БЎЙИЧА КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (меҳнат таълими)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Орынбетов Нурылла Турдымуратович

Меҳнат таълими йўналиши талабаларининг электротехника,
радиотехника ва электроника бўйича касбий тайёргарлигини
такомиллаштириш 3

Орынбетов Нурылла Турдымуратович

Совершенствование профессиональной подготовки студентов
направления трудового обучения по электротехнике,
радиотехнике и электронике 21

Orinbetov Nurilla Turdimuratovich

Improving students' professional training in the field of labour
education in electrical engineering, radio engineering
and electronics 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ, НУКУС ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ, УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.20.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ОРЫНБЕТОВ НУРЫЛЛА ТУРДЫМУРАТОВИЧ

**МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ
ЭЛЕКТРОТЕХНИКА, РАДИОТЕХНИКА ВА ЭЛЕКТРОНИКА
БЎЙИЧА КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (меҳнат таълими)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизими, уларга бўлган жамият талаби таълимнинг техник воситалари ҳамда замонавий ахборот ва педагогик технологиялари имкониятларидан таълим жараёнида фойдаланиш асосида доимий ривожланиб бормоқда. Айниқса, технологик таълимни такомиллаштириш асосида талабаларнинг электротехника, радиотехника ва электроника бўйича касбий тайёргарлигини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, STEAM (фан, технология, инжиниринг, санъат, математика) усулига асосланган ўқитиш тизимига талабаларни мақсадли тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бўлажак технология фани ўқитувчиларининг физик саводхонлигини ривожлантириш касбий компетентликнинг муҳим компонентини ташкил этади.

Дунёда табиий ва техника фанларини ўқитиш самарадорлигини ошириш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш орқали талабаларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштиришга доир тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, талабаларнинг технологик тайёргарлигини ривожлантиришнинг интегратив технологияларини такомиллаштириш, интерактив дастурий воситалар асосида бўлажак технология фани ўқитувчиларининг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга алоҳида зарурият мавжуд. Айниқса, талабаларнинг техник ижодкорлигини ривожлантиришда физик билимларнинг тўлиқ ўзлаштирилишига эришиш, физик жараёнларни технология соҳасига самарали қўллаш олиш лаёқатини тарбиялашнинг методик таъминотини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга касб этади.

Ўзбекистонда халқаро баҳолаш дастурлари (PISA, TIMSS) асосида табиий фанлар бўйича ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантириш, талабаларни касбий-педагогик фаолиятга тайёрлашда рақамли технологиялардан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг жорий этишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш зарурияти юзага келмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш сиёсатини давом эттириш»¹ каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу эса, меҳнат таълими йўналиши талабаларининг Электротехника, радиотехника ва электроника фани бўйича касбий тайёргарлигини ошириш мазмуни ва сифатига

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. – “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

кўйиладиган талабларни такомиллаштириш ва методик шарт-шароитларини аниқлаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 30 июндаги «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5099-сонли Фармонлари, 2017 йил 14 мартдаги «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2829-сонли Қарори ва ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълим жарёнида бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини шакллантириш масалалари мамлакатимиз олимларидан Р.Х.Джураев, У.И.Иноятов, Р.Г.Исянов, Н.А.Муслимов, Қ.Т.Олимов, У.К.Толипов, С.Т.Турғунов, А.Р.Ходжабоев, Ш.С.Шарипов, М.Б.Уразова; ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига жорий этиш бўйича тадқиқотлар А.А.Абдуқодиров, А.Х.Абдуллаев, М.Х.Алламбергенова, М.Арипов, У.Ш.Бегимкулов, Ф.М.Закирова, Н.И.Тайлақов, У.Ю.Юлдашев ва С.С.Фуломовларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимларидан А.А.Володин, Д.Д.Дондоков, А.А.Евсюков, А.А.Касьянов, С.А.Клеев, В.М.Никифорова, В.С.Самсонов, Д.Я.Тамарчак ва бошқаларнинг илмий ишларида меҳнат таълимини ўқитишни такомиллаштириш, технологик ўқув материалларини тизимлаштиришда ахборот технологияларидан фойдаланиш масалалари тадқиқ этилган.

Хорижий мамлакатларда педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнида жорий этиш бўйича тадқиқотлар Bent B.Andrese, L.Antonakos, Micro-Cap V.James, Cecilia Sík Lányi, D.Moursund, Tay Vaughan, R.Zappone кабилар томонидан амалга оширилган.

Юқорида келтирилган тадқиқотларнинг таҳлиliga кўра, мамлакатимиз ва хорижда мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини шакллантиришга алоҳида эътибор берилган ва қатор ишлар олиб борилаётгани, таълим сифати тубдан ислоҳ қилинаётганлиги, янгича ёндашувларнинг таълим тизимига жорий қилинаётганлигини кўрамыз. Аммо ахборотлашаётган асрнинг тезкорлик билан янгиланувчи талабларининг ортиб бориши, техник

ва дастурий таъминот бозорининг такомиллашаётганлиги, улардан унумли фойдалана олиш омили сифатида бўлажак меҳнат таълими педагог кадрларнинг умумкасбий фанлар бўйича касбий тайёргарлигини такомиллаштириш атрофлича ўрганилмаганлигини ва бу соҳада ечимини кутаётган муаммолар етарлича эканлигини қайд этиш зарур.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Нукус давлат педагогика институти илмий-тадқиқотлар режасининг «Меҳнат таълими йўналиши талабаларида инновацион таълим технологиялари асосида касбий компетентликни ривожлантириш» (2015–2019 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади педагогика олий таълим муассасалари меҳнат таълими йўналиши талабаларининг электротехника, радиотехника ва электроника бўйича касбий тайёргарлигини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

меҳнат таълими йўналиши талабаларининг электротехника, радиотехника ва электроника курси бўйича касбий тайёргарлигини такомиллаштириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларни аниқлаштириш;

электротехника, радиотехника ва электроника курси бўйича талабаларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантиришнинг ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш;

электротехника, радиотехника ва электроника курсидан амалий ва лаборатория ишларини ташкил этишнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш;

меҳнат таълими йўналиши талабаларининг электротехника, радиотехника ва электроника курси бўйича касбий тайёргарлигини ривожлантиришнинг методик тизимини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида меҳнат таълими йўналиши талабаларининг электротехника, радиотехника ва электроника бўйича касбий тайёргарлигини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Қўқон давлат педагогика институти, Урганч давлат университети ва Нукус давлат педагогика институтининг жами 398 нафар талабалари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети меҳнат таълими йўналиши талабаларининг электротехника, радиотехника ва электроника бўйича касбий тайёргарлигини такомиллаштириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда мавзуга оид фалсафий, социологик, психологик-педагогик адабиётларни қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилиш, ижтимоий-педагогик (кузатиш, суҳбат, ташхислаш, сўровнома, тест), тажриба-синов, мониторинг натижаларини математик ва статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

замонавий ахборот-коммуникация ва таълим технологияларини ўзаро уйғунлаштириш орқали электротехника, радиотехника ва электроника

курсини ўқитиш мазмуни компетенциявий ёндашув ҳамда QR-код (гиперҳаволали тезкор жавоб) ёрдамида электрон ресурслардаги ўқув материалларини тизимлаштиришнинг виртуал-дидактик талаблари (визуаллик, қулайлик, интерфаоллик) интенсификациясини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

электротехника, радиотехника ва электроника курсидан маъруза ва амалий машғулотларни онлайн кузатиш ва ўзлаштириш имконини берувчи, шунингдек уларни электрон ахборот сақловчиларга юкловчи «E-minbar» платформаси учун мослаштирилган web-квест топшириқлари (вебинар маъруза, виртуал лаборатория) мажмуи ишлаб чиқилган;

касбий йўналтирилган меҳнат таълими жараёнида рақамли, вебинар, онлайн, аралаш (blended learning) таълим технологияларини қўллаш орқали электротехника, радиотехника ва электроника курси бўйича амалий ва лаборатория ишларини ташкил этишга хизмат қилувчи дастурий таъминот STEAM (технология ва санъат) таълими талабларини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак технология фани ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини жадаллаштиришга йўналтирилган «Электротехника ишлари» электив (махсус) курсини аудиториядан ташқари машғулотлар (тўғарак, «Устоз-шогирд» анъаналари, маҳорат дарслари) тузилмасига тизимли татбиқ этиш асосида хусусий-методик тизимнинг амалий компоненти такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

меҳнат таълими йўналиши талабаларининг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш тамойиллари, мезонлари ва кўрсаткичлари, дидактик шарт-шароитларини аниқлаштириш асосида электротехника, радиотехника ва электроника курсини ўқитишга доир услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

электротехника, радиотехника ва электроника курсини ўқитиш самарадорлигини таъминлайдиган «Электротехника, радиотехника ҳам электроника» номли электрон ўқув қўлланма қорақалпоқ тилида яратилган;

электротехника, радиотехника ва электроника курсини ўқитиш самарадорлигини таъминлайдиган виртуал лаборатория машғулотлари мажмуи ва «Электротехника, радиотехника ҳам электроника пәнинен эмелий шынығыўлар топلامы» номли ўқув-услубий қўлланма қорақалпоқ тилида ишлаб чиқилган;

меҳнат таълими йўналиши талабаларининг касбий тайёргарлигини такомиллаштиришга йўналтирилган «Электротехника ишлари» электив (махсус) курсини ўқитиш бўйича ўқув-методик мажмуа ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани ҳамда республика ва халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўпламлари, ОАК эътироф этган махсус ва хорижий журналларда чоп қилинган мақолалар, яратилган электрон ўқув қўлланма ва нашр этилган услубий қўлланма ва уларга берилган тақризлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг

амалиётга жорий этилганлиги, педагогик тажриба-синов натижаларининг ваколатли органлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти меҳнат таълими йўналишидаги олий таълим муассасаларида ахборотлаштирилган таълим муҳитини шакллантириш ва ривожлантиришнинг устувор тамойиллари (очиқлик, мулоқотлилиқ, интегративлик, мослашувчанлик ва бошқ.) аниқлаштирилганлиги, касбий таълим сифати натижаларини баҳолаш ва педагогик имкониятларидан самарали фойдаланиш йўлларининг илмий жиҳатдан асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти меҳнат таълими йўналишидаги олий таълим муассасаларида талабаларни касбий тайёрлашда илмий-методик таъминотини такомиллаштиришда ахборот-коммуникацион технологиядан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилганлиги, ахборотлаштирилган таълим муҳитини амалга оширишнинг дастурий-методик таъминотининг такомиллаштирилганлиги, «Электротехника, радиотехника ва электроника» номли электрон ўқув қўлланманинг таълим амалиётига самарали жорий этишга доир илмий асосланган таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Меҳнат таълими йўналиши талабаларининг электротехника, радиотехника ва электроника бўйича касбий тайёргарлигини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

меҳнат таълими йўналиши талабаларнинг умумкасбий фанлар бўйича касбий тайёргарлигини такомиллаштиришда замонавий ахборот-коммуникация ва таълим технологияларини ўзаро уйғунлаштириш, электрон ресурслардаги ўқув материалларини тизимлаштиришнинг виртуал-дидактик талабларига доир таклифлардан 5112100 – Меҳнат таълими бакалаврият таълим йўналиши малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 апрелдаги №89-03-1337-сонли маълумотномаси). Натижада меҳнат таълими йўналишида Электротехника, радиотехника ва электроника фанини ўқитиш самарадорлигини оширишга эришилган;

электротехника, радиотехника ва электроника курсидан маъруза ва амалий машғулотларни онлайн кузатиш ва ўзлаштириш имконини берувчи, шунингдек уларни электрон ахборот сақловчиларга юкловчи «E-minbar» платформаси учун мослаштирилган электротехника, радиотехника ва электроника курсини яратишга доир таклиф ва тавсиялари меҳнат таълими йўналиши бўйича ўқув режасининг танлов фанлари блокадаги «Электротехника ишлари» номли янги ўқув фани мазмунига киритилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 октябрдаги 89-03-3676-сонли маълумотномаси). Натижада LabVIEW дастурига асосланган виртуал лаборатория машғулотлари мажмуи ишлаб чиқилган, электротехника, радиотехника ва электроника курси бўйича амалий ва лаборатория ишларини ташкил этишга хизмат қилувчи дастурий таъминот

такомиллаштирилган ҳамда бўлажак технология фани ўқитувчиларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга доир коммуникатив компетентлигини оширишга, уларнинг рақамли технологиялардан фойдаланиш малакасини ривожлантиришга эришилган;

бўлажак технология фани ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини жадаллаштиришга йўналтирилган «Электротехника ишлари» электив (махсус) курсини аудиториядан ташқари машғулотлар тузилмасига тизимли татбиқ этишга ва касбий йўналтирилган меҳнат таълими жараёнига рақамли, вебинар, онлайн, аралаш (blended learning) таълим технологияларини қўллашга доир амалий таклиф ва тавсиялардан ПЗ-2014-0912150537 рақамли «Умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълими фанини мазмунан модернизациялаш» (2015–2017 йй.) амалий лойиҳани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 октябрдаги 89-03-3676-сонли маълумотномаси). Натижада «Электротехника ишлари» электив (махсус) курсини ўқитишнинг модернизациялашган методик таъминоти ишлаб чиқилган ва талабаларнинг технологик компетентлигини ривожлантириш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та хорижий ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий натижалари муаллиф томонидан чоп қилинган 24 та илмий-услубий иш, шулардан, 1 та электрон ўқув қўлланма, 1 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг рўйхатига киритилган журналларда 11 та, шундан 10 та республика ва 1 та хорижий журналда чоп қилинган мақолада ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 130 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Электротехника, радиотехника ва электроникани ўқитишнинг назарий, амалий ва услубий муаммолари**» деб номланган биринчи бобида «Электротехника, радиотехника ва электроника» фанининг

Ўқитиш самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқотлар таҳлили келтирилган. Шунингдек, «Электротехника, радиотехника ва электроника» фанини ўқитишнинг ҳозирги ҳолати ва таълимда инновацион технологияларининг ўрни ёритилган.

Ҳозирги пайтда жамиятни ахборотлаштириш ва таълим тизимига ахборот технологияларни кенг жорий қилишга катта эътибор берилмоқда.

Таълим жараёнини компьютерлаштириш учун республикамизда ва бошқа барча ривожланган давлатларда ўқитишнинг электрон воситалари кўплаб яратилмоқда. Ҳатто, электрон дарсликларни яратиш учун фойдаланиладиган дастур қобиклар ҳам тақлиф қилинмоқда. Таълимда ахборот технологияларидан фойдаланиш икки йўналишда давом этмоқда: компьютер саводхонлигини таъминлаш ва компьютердан ўқув фанларини ўқитишда фойдаланиш.

Ахборот технологиялар йўли билан таълимни ташкил этиш, бошқариш, назорат қилишнинг янги - сифат босқичига ўтилади. Унда ўқитувчи ва талаба муносабатидаги боғланиш, алоқалар тубдан ўзгаради, таълим мазмунига педагогик ишлов бериш услубияти янгиланади, ўқув материални тўлиқ ўзлаштириш даври бошланади, таълим модуль характериға эға бўлади, тескари алоқа моҳияти жиҳатидан янгиланади, таълимға қўшимча ва ўзгартиш киритиш, зарур ўринларида уни такрорлаш имкониятлари ошади.

Таълим жараёнида интерфаол методлар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашға бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунға кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтғача анъанавий таълимда ўқувчи-талабалар фақат тайёр билимларни эгаллашға ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, билим олиши ва тарбияланишиға шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида талаба асосий фигураға айланади.

Ҳозирги глобаллашув жараёнларида таълимға инновацион ёндашувнинг ижтимоий-педагогик зарурияти қуйидагилар билан ўлчанади:

1. Олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнида илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, таълимдаги инновацион ёндашувлар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш.

2. Талаба-ёшлардаги маълумотлилик даражаси, интеллектуал салоҳият, ижтимоий фаоллик, ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришға хизмат қилувчи шахсға йўналтирилган ўқитишнинг самарали ташкилий шакллари, технологияларини яратиш ва амалиётға татбиқ этиш.

3. Педагогик инновацияларни ўзлаштириш ва уни татбиқ этишға нисбатан ўқитувчининг касбий-инновацион компетентлигини ривожлантириш зарур.

Замонавий таълимни амалға ошириш ўқув фанлари бўйича янги ахборот технологияларининг тез ва қулай фойдаланиш имконини берувчи турларидан ҳар бир талаба ва ўқитувчи эркин фойдалана оладиган шароит яратишдан

иборат. Ҳозирда сифатли таълим бериш учун анъанавий иккита томон ўқувчи-ўқитувчига зарур ахборотларни етказиб турувчи хизматдан иборат учинчи томон фаолиятини ташкил қилиш зарур. Бу эса ўз навбатида ўқув машғулотларини ташкил этишнинг самарали шакллари «blended learning» технологияларини амалиётга кенг жорий этиш сифатида маъруза (муаммоли маъруза, маъруза-семинар, виртуал-технологик маъруза, визуал маъруза, бинар маъруза, кириш маърузаси, маъруза-конференция, ахборотли маъруза, маъруза баҳс-мунозара, шарҳловчи маъруза, on-Line маъруза) тренинг, видеотренинг, вебинарлар, интернет конференциялар, инновацион ўқитиш методлари сифатида эса муаммоли методлар, интерфаол методлар, амалий ўйинлар, ўқув лойиҳалари, портфолиолар, график органайзерлар ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш лозим.

Тадқиқот ишимизнинг бу босқичида «Электротехника, радиотехника ва электроника» фанининг ўқитиш самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқотлар батафсил таҳлил этилиб, фанни ўқитишнинг ҳозирги ҳолати билан таққосланиб, ўқув жараёнида қўллаш учун зарур бўлган инновацион технологияларни самарали қўллаш кўникма ва малакаларни эгаллаш, касбий тайёргарлигини такомиллаштириш имконини берганлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Талабаларнинг электротехника, радиотехника ва электроника бўйича касбий тайёргарлигини такомиллаштириш**» деб номланган иккинчи бобида олий таълим бакалавриат босқичида «Электротехника, радиотехника ва электроника» фанининг такомиллаштирилган мазмуни ва фанни ўқитишда электрон ўқув қўлланмалардан фойдаланиш ва ўқитишда амалий машғулотлар ва виртуал лаборатория ишларининг такомиллаштирилган мазмуни баён қилинган.

Педагогика олий таълим муассасалари меҳнат таълими йўналиши ўқув жараёнига электротехника, радиотехника ва электроника курси бўйича, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси жорий қилинди. Маъруза машғулотлари мавзулари меҳнат таълими талабаларининг келгуси касбий фаолиятининг кенг диапазондаги вариатив характерини касб этади. Шу сабабли нафақат маъруза, балки амалий ва лаборатория машғулотларига тайёргарлик жараёнида ҳам меҳнат таълими йўналишида машғулот олиб борадиган талабаларга қуйидагилар тавсия қилинди: маъруза, амалий ва лаборатория машғулотлари мавзулари билан батафсил танишиш ва тайёргарлик кўриш; маъруза машғулотларини қатъий белгиланган структура (кириш қисми, маърузанинг асосий мазмунини баён қилиш, хулосалаш) бўйича олиб бориш; электротехника, радиотехника ва электроника курсининг касбий тайёргарлигини кучайтириш мақсадида ҳар бир маъруза, амалий машғулотда меҳнат таълими йўналишида ахборот технологияларидан фойдаланишга оид аниқ мисоллар келтириш; берилган материалнинг янада яхши ўзлаштирилиши учун маъруза машғулотларида тақдимотлар, иллюстратив материаллар, электрон ўқув қўлланма ва шу кабилардан фойдаланиш; талабаларга касбий характердаги вазифаларни мустақил ҳал қилиш (ўрганилган мавзунинг касбий фаолиятда амалий

қўлланишини ёритиб берадиган ахборот, рефератлар тайёрлаш)ни таклиф этиш.

Тадқиқот натижаларига асосланиб, таълим давомида талабаларда компьютер тизимларининг дастурий таъминотини қиёслаш, солиштириш, таҳлил қилиш, ахборот технологияларининг ўрганилган имкониятларига оид хулоса ва умумлаштиришлар қилишда талабаларнинг кўникма ва малакалари шаклланганлиги аниқланади. Айти пайтда талабаларда компьютер техникаси ва дастурий таъминотдан меҳнат таълими фаолиятида фойдаланишга оид касбий кўникмалар таркиб топади.

Ўқув жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш жараёни икки шаклда амалга оширилади.

Биринчидан, замонавий ахборот-коммуникация технологиясидан фойдаланган ҳолда, талабалар билим, кўникма ва малакаларини шакллантиради яъни, компьютер саводхонлиги ошади.

Иккинчидан, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ўқув жараёнининг сифатини яхшилаш ва интенсивлаштиришда кучли восита ҳисобланади.

Меҳнат таълими йўналиши бўйича олий таълим муассасалари фаолиятининг замонавий дастурларида замонавий компьютерларни, уларнинг дастурий ва аппаратураси таъминотини ўрганиш, Word, Excel, Power Point каби дастурий воситалар ёрдамида ахборотни қайта ишлашга алоҳида эътибор берилади. Бир томондан улар ёрдамида талабаларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларининг янги ютуқлари билан бирга, касбий фаолият учун зарур бўлган дастурларнинг етишмаслигининг мавжудлиги аниқланди. Ушбу муаммони ҳал этиш учун «Электротехника, радиотехника ва электроника» фанини ўқитишда ахборот технологиялари воситаларидан самарали фойдаланиш зарур. Таълимда ахборот технологияларидан фойдаланишда ўқитувчи ва талаба орасидаги боғланиш кўрсатилган (1 расм).

Ўқув жараёнида қўллаш учун мўлжалланган электрон ресурслар таълим жараёнини бошқариш, билим беришда ўқитувчининг ишини осонлаштириш ва энг асосийси билимларни назорат қилиш-баҳолашни тез ва ҳаққоний амалга оширишга имкон беради.

Таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурларини ташкил этиш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологиялари, маъруза ва амалий машғулотлар, семинарларни онлайн кузатиш ва ўзлаштириш имконини берувчи, шунингдек уларни электрон ахборот сақловчиларга юкловчи «E-minbar» платформасини амалиётга жорий этиш муҳим устувор вазифаларнинг бири бўлиб ҳисобланади.

«E-minbar» –аудиторияни техник бошқариш имкониятини берувчи қурилма бўлиб, унда маърузаларни электрон шаклда кўриш, овозли файлларни тинглаш имконияти мавжуд. Бу имкониятлар таълим жараёнида

педагогнинг кам вақт сарфлаган ҳолда тингловчиларга кўпроқ маълумот улашиш имкониятини беради.



1-расм. Таълимда ахборот технологияларидан фойдаланишда ўқитувчи ва талаба орасидаги боғланиш

Электрон ўқув қўлланма топшириқ ва амалий материалларни ўзида жамлаган ҳолда билимларни назорат қилиш ва сифатини ўша заҳоти баҳолаш имконини берувчи юқори технологияли манба ҳисобланади.

Электротехника, радиотехника ва электроникадан ўқув қўлланмаларни яратиш технологиясининг асосий босқичларида мультимедиа муҳитида электрон ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқиш узоқ муддатли ва катта маблағларни талаб қилувчи жараёнدير. Шунинг учун компьютерли электрон ўқув қўлланмаларни яратишнинг барча асосий босқичларини ва уларни ишлаб чиқишнинг ҳар бир босқичидаги қабул қилиниши мумкин бўлган ечимларни олдиндан белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир. Бунда қуйидаги босқичларни бажариш зарур бўлади.


Дастлабки босқичда мультимедиа муҳитида кўрсатилиши керак бўлган ўқув фани «Электротехника, радиотехника ва электроника» танланди. Бунда ушбу фан бўйича олдин тайёрланган курслар аниқланди. Аудитория типи мультимедиа курсига қўйиладиган умумий талабларни аниқлаш имкониятини яратди.

Тайёргарлик босқичида курс матнини ёзиш, кўргазмали ва маълумотли материалларни тайёрлаш, интерфейс эскизларини ва ўқув дастурининг сценарийсини, шунингдек алоҳида блокларнинг сценарийлари (компьютерли моделлаштиришни амалга оширувчи дастурлар, билимларни текшириш блоклари ва бошқалар) яратилади. Бу босқичда ўрганувчининг психологик

типидан келиб чиққан ҳолда ўқув материални (шакли ва мазмуни бўйича) кўрсатишнинг турли вариантлари ишлаб чиқилади.

Ўқув курсининг матни билан ишлашда шу курсда ўтиладиган мавзулар рўйхати асосида матннинг тузилмаси яратилади. Бунда ҳамма мавзулар кўрсатилган ҳолда матн боб, бўлим ва шунга ўхшашларга бўлинади. Талаба учун билимлар ва кўникмалар тўплами олдиндан аниқланган бўлса, у ҳолда ҳар бир бўлим ҳам, ўқув курси ҳам ўз олдига қўйган мақсадга эришади. Буларга шрифтлар ёрдамида ажратиш, графика, расмлар ва мультипликацияларни ишлатиш мумкин. Бу мақсадда натижаларни чиқаришни кучайтириш мумкин: асосий формулалар рўйхатини келтириш, асосий қоидаларни ёритиш, жадваллар тузиш. Матн кейинчалик катта ўзгаришлар киритмаслик учун мукамал таҳрирланади. Охириги таҳрирланган матн гиперматнга айлантирилади.

Курснинг матнини ёзиш билан параллель равишда курснинг мультимедиа сценарийсини яратиш ишлари олиб борилади. Мультимедиа сценариясида курснинг мавзулар ва керакли компонентлар рўйхати кўрсатилади, ундан ташқари унинг дастлабки тузилмаси ёритилади. Бунга анимацион, аудио ва видео фрагментларни, иллюстрацияларни ва бошқаларни баён этиш киради. Асосий босқичда электрон ўқув қўлланмани бевосита яратиш бўйича ишлар бажарилди (Гувоҳнома № DGU 06231). Электрон ўқув қўлланма талабаларнинг матн, лаборатория ва амалий машғулот тавсифига мустақил қайтиши учун имкон яратади (2- расм).



2-расм. Электрон ўқув қўлланма

«Электротехника, радиотехника ва электроника» фанини ўқитишда LabVIEW дастурида тузилган виртуал лаборатория ишларидан фойдаланиш ва LabVIEW дастурида электр ўлчашлар ва бошқа физик катталикларни

Ўлчашни ўрганиш учун мўлжалланган барча лаборатория ишларининг моделларини яратиш имконияти мавжуд. Яратилган лаборатория ишларининг ташқи кўриниши, дизайни ҳақийқий лаборатория ишининг кўринишига максимал яқинлаштирилади. Булардан ташқари LabVIEW дастури билан лабораторияда мавжуд бўлган реал лаборатория қурилмасининг виртуал моделини яратиш мумкин. Лаборатория ишида назарий маълумотлар, ишнинг бажарилиш тартиби, назорат саволлар берилган бўлиши лозим.

Виртуал лабораториялардан фойдаланиш қуйидаги афзалликларни беради:

талаба ва ўқитувчиларнинг лаборатория ишини бажариш ва ўзлаштириш вақти тежалани;

мураккаб реал лаборатория ишларини бажаришдан олдин уларнинг виртуал кўринишларини компьютерда бажариб кўриш лаборатория ишининг моҳиятини тез ва тўлиқ тушуниш, қурилмалар ва уларни улаш тўғрисида тўлиқ тасаввур олиш ҳамда бунинг натижасида техника хавфсизлигига тўлиқ амал қилишга олиб келади;

бу виртуал лаборатория ишларидан масофавий таълимда, интернет тизимида тўлиқ фойдаланиш мумкин;

виртуал лаборатория ишлари орқали бевосита талаба ва ўқитувчи виртуал мулоқот олиб бориши, ўқитувчи талабани баҳолаши мумкин.

LabVIEW дастурида қуйидагилар амалга оширилди:

1. Меҳнат таълими йўналиши талабаларининг электротехника, радиотехника ва электроника бўйича касбий тайёргарлигини такомиллаштиришда инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатилди.

2. Таълим сифатини ошириш билан бир қаторда талабаларнинг мустақил билим олишлари ва ўзлаштирганлик даражаларини тез, ҳаққоний аниқлашга имкон берди.

3. Амалий машғулотлар ва виртуал лаборатория ишлари давомида талабалар келажакда амалда қўллашлари лозим бўлган амалий кўникмаларга эга бўладилар. LabVIEW муҳитида виртуал лаборатория ишлари ишлаб чиқилди.

Электротехника, радиотехника ва электроника курсини экспериментал ўқитиш доирасида талабаларнинг мустақил билиш ва амалий фаолияти, бўлажак педагогларнинг касбий тайёргарлигини ошириш амалий ишларини ўтказиш ва такомиллаштиришда «Электротехника ишлари» курсидан фойдаланиш имкониятлари аниқлаштирилди. «Электротехника ишлари» курси 2018-2019 ўқув йили учун меҳнат таълими йўналиши ўқув режасининг III – Танлов фанлари блокига киритилган, амалий дастурлар пакети, LabVIEW дастуридан фойдаланиш бўйича ўқув адабиётлари билан ишлаш, шунингдек, электрон ўқув қўлланма билан ишлаш ва меҳнат таълимида компьютер техникаси ва дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш имкониятларини ўз ичига олган дидактик таъминот тузилиши ва мазмуни

аниқланди. Шу сабабли, компьютер техникаси ва дастурий маҳсулотлардан нафақат электротехника, радиотехника ва электроника курсида, балки уларнинг имкониятларидан меҳнат таълими йўналишида ўқитиладиган барча мутахассислик фанларни ўқитишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг «Педагогик тажриба-синов ишлари ва уларнинг таҳлили» номли учинчи бобида педагогик экспериментни ўтказиш методикаси, асосий босқичлари баён қилинган, шунингдек, педагогик тажриба-синов маълумотларини таҳлил қилиш ва уларни статистик қайта ишлаш натижалари келтирилган.

Педагогик тажриба-синов мақсади электротехника, радиотехника ва электроника курсини ўқитишнинг методик асосларини такомиллаштириш билан меҳнат таълими йўналишидаги олий таълим муассасалари талабаларини ўқитиш самарадорлигининг ошиши тўғрисидаги фаразни амалда текширишдан иборат бўлди.

Тажриба-синов доирасида талабаларнинг электротехника, радиотехника ва электроника курсига оид билим, кўникма ва малакаларни эгаллаганликларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилиб, меҳнат таълими йўналишидаги талабаларининг бошланғич билимлари даражасини аниқлаш ва таклиф қилинаётган электротехника, радиотехника ва электроника курсининг тажриба-синов ишчи дастури ва уни ўқитиш методикасининг самарадорлик даражасини ўрганиш мақсад қилиб олинди.

Тажриба-синов ишлари Қўқон давлат педагогика институти, Урганч давлат университети, Нукус давлат педагогика институтларида ташкил этилди.

Тажриба-тадқиқот доирасида меҳнат таълими йўналиши талабаларининг электротехника, радиотехника ва электроника бўйича касбий тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича электрон ўқув қўлланма, ўқув-методик қўлланма, тавсиянома ва ишланмалар тайёрланди. Талабалар билимларини назорат қилишда тест синовларидан, ёзма синов ишлари, оғзаки савол-жавоб методларидан фойдаланилди.

1-жадвал


Қўқон ДПИ, Нукус ДПИ ва УрДУ талабалари билан ўтказилган педагогик тажрибадан олинган умумий натижалар

ОТМ номи	Тажрибада иштирок этган гуруҳлар	N	«5»	«4»	«3»	«2»	Баҳонинг ўртача қиймати	Ишончлилик оралиғи	Самарадорлик
Қўқон ДПИ	Тажриба	74	5	34	34	1	3,6	3,48; 3,72	1,13
	Назорат	75	1	17	50	7	3,2	3,13; 3,27	
Нукус ДПИ	Тажриба	57	3	41	13		3,82	3,68; 3,96	1,16
	Назорат	59		19	38	2	3,29	3,16; 3,42	
УрДУ	Тажриба	67	4	31	32		3,58	3,49; 3,67	1,14
	Назорат	66	1	10	53	2	3,15	3,11; 3,19	

Мазкур босқичда талабаларнинг электротехника, радиотехника ва электроника бўйича касбий тайёргарлигининг шаклланганлик даражасини баҳолаш учун махсус мезонлар ишлаб чиқилди ва ўтказилган тажриба-синов натижалари Стъудент мезони ёрдамида таҳлил этилди.


Кўкон ДПИ, Нукус ДПИ ва УрДУ талабалари билан ўтказилган педагогик тажрибадан олинган умумий натижалар (1-жадвал) тажриба гуруҳи талабаларининг касбий тайёргарлиги назорат гуруҳи талабалари тайёргарлигидан 1,14 баробар юқори даражада эканлигини кўрсатди.

Ўтказилган педагогик тажрибадан олинган натижаларнинг умумий статистик таҳлили диаграмма (3-расм) да тасвирланган.



3-расм. Баҳоларнинг ўртача арифметик қиймати

Олинган ўзлаштириш самарадорлиги бирдан катталигини ($\eta=1,14>1$) кўриш мумкин. Бундан маълум бўлдики, тажриба гуруҳининг ўзлаштириш самарадорлиги назорат гуруҳининг ўзлаштириш самарадорлиги даражасидан юқори экан (4-расм). Олинган натижаларга математик ишлов бериш мақсадида Стъудент t -мезонидан фойдаланилди.



4-расм. Самарадорлик кoeffициенти

Бунда умумий талабалар сони 398 нафар бўлиб, улардан тажриба гуруҳларида 198 нафари, назорат гуруҳларида эса 200 нафари иштирок этди ва уларнинг ўртача кўрсаткичи қуйидагича:

$$\bar{X}_T = \frac{1}{N_T} \sum_{i=1}^4 X_i \cdot N_i = 3,65$$

$$\bar{X}_H = \frac{1}{N_H} \sum_{i=1}^4 X_i \cdot N_i = 3,19$$

Меҳнат таълими йўналиши талабаларининг «Электротехника, радиотехника ва электроника» фанидан тажриба гуруҳи талабаларининг ўртача ўзлаштириши $\bar{X}_T = 3,65$ ва назорат гуруҳи талабаларининг шу фандан ўртача ўзлаштириши $\bar{X} = 3,19$ га тенг бўлди. Статистик қийматни ва Стьюдент мезони эркинлик даражасини ҳисоблаймиз.

$$T = \frac{\bar{X}_T - \bar{X}_H}{\sqrt{\frac{S_T^2}{N_T} + \frac{S_H^2}{N_H}}} = 7,7$$

Статистиканинг тажрибада ҳисобланган қиймати критик нуқтадан катта: $T = 7,7 > 1,96 = t_{кр}$ ва $H_0: X_T = X_H$ фарзни рад этишимизга тўғри келади, яъни $X_T > X_H$ тажриба гуруҳидаги талабаларнинг ўзлаштириши назорат гуруҳи талабаларнинг ўртача ўзлаштиришидан юқори бўлди.

Демак, тажриба гуруҳларидаги талабаларнинг ўзлаштириш самарадорлиги методик тизимдан фойдаланиш яхши натижа беришини кўрсатди ва тажриба-синов ишлари натижалари орқали ўз исботини топди.

ХУЛОСА

«Меҳнат таълими йўналиши талабаларининг электротехника, радиотехника ва электроника бўйича касбий тайёргарлигини такомиллаштириш» мавзусидаги диссертация тадқиқоти натижалари қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкони берди:

1. Электротехника, радиотехника ва электроника бўйича ўқув-методик адабиётлар ва хориж тадқиқотчиларининг таълимда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таълим технологияларини қўллаш бўйича тажрибаси, шунингдек, меҳнат таълим йўналишидаги педагогика олий таълим муассасаларида электротехника, радиотехника ва электроника курсини ўқитиш ҳолатининг таҳлили меҳнат таълими йўналиши талабаларининг ахборот технологиялари бўйича компетентлигини шакллантиришда мавжуд камчиликларни аниқлаш имконини берди.

2. Амалга оширилган тадқиқотлар меҳнат таълими йўналиши талабаларининг «Электротехника, радиотехника ва электроника» фанини ўзлаштириш самарадорлигини таъминлайдиган ўқитишнинг мазмуни, шакли, методлари, восита ва технологияларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди ва таълим сифатига таъсир кўрсатувчи омиллар аниқлаштирилди.

3. Меҳнат таълими йўналиши талабаларининг электротехника, радиотехника ва электроника бўйича касбий тайёргарлигини такомиллаштиришда лаборатория ишлари, намоиш тажрибалари, масалалар ечишни табиий ва виртуал шаклларда ўтказиш асосида талабаларнинг

креатив, мустақил фикрлаш кўникмаларини такомиллаштиришга эришиш мумкинлиги ҳам тадқиқот жараёнида исботланди.

4. Таълим жараёни мазмунини, талабалар касбий тайёргарлигини такомиллаштириш ва талабалар фаоллигини ошириш мақсадида «Электротехника, радиотехника ҳам электроника» номли электрон ўқув қўлланма яратилди ва ундан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилди.

5. Меҳнат таълими йўналиши талабаларининг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш мақсадида «Электротехника, радиотехника ҳам электроника» номли электрон ўқув қўлланма мазмуни маъруза, лаборатория ва амалий машғулотларга мўлжалланган ва унинг ўқув жараёнига татбиқ этилиши талабалар касбий тайёргарлигини кучайтиришга хизмат қилиши аниқланди.

6. Таълим жараёнига киритилаётган инновацион технологиялар унинг самарадорлиги ҳамда сифатига ижобий таъсир қилиши ва бунда талабалар ўз фикрини эркин ифода қилиши учун қулай шарт-шароитлар яратилиши ҳамда бунда таълим берувчининг вазифаси фақатгина «ўқитиш», «ўргатиш» бўлмасдан, ўргатилганларни талабалар томонидан чуқур ўзлаштирилиши билан бирга уларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришга хизмат қилиши аниқланди.

7. 2013-2018 йиллар давомида олиб борилган электротехника, радиотехника ва электроника курсини ўқитиш бўйича педагогик тажрибасинов ишларининг натижалари амалга оширилган тадқиқот, таклиф қилинган методика ва ишлаб чиқилган методик материаллар самарадорлигини тасдиқлади.

«Электротехника, радиотехника ва электроника» фани бўйича талабаларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштиришга оид қуйидаги методик тавсиялар ишлаб чиқилди:

фан-техниканинг жадал ривожланишини эътиборга олиб, «Электротехника, радиотехника ва электроника» фани мазмуни, ўқув адабиётлари, дастурий-техник воситалар ва улар бўйича йўриқномаларни доимий янгилаб бориш мақсадга мувофиқ;

меҳнат таълими йўналиши талабаларининг «Электротехника, радиотехника ва электроника» фани бўйича касбий тайёргарлигини талаб даражасида таъминлашга доимий эътибор қаратиш зарур, чунки бўлажак меҳнат таълими йўналиши мутахассислари келажак авлодга кенг маънодаги электр жиҳозлари, қурилмаларининг ишлаш принципларини тушунтирувчи, улардан фойдаланишнинг хавфсизлигини таъминловчи ҳамда турмушда фойдаланиладиган техниканинг фаол тарғиботчилари ҳисобланадилар.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.12.2017.Ped.20.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ, НУКУССКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ,
УРГЕНЧСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НУКУССКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ОРЫНБЕТОВ НУРЫЛЛА ТУРДЫМУРАТОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ
СТУДЕНТОВ НАПРАВЛЕНИЯ ТРУДОВОГО ОБУЧЕНИЯ ПО
ЭЛЕКТРОТЕХНИКЕ, РАДИОТЕХНИКЕ И ЭЛЕКТРОНИКЕ**

13.00.02 - Теория и методика обучения и воспитания (трудовое обучение)

**АВТОРЕФЕРАТ диссертации доктора философии (PhD) по
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.4.PhD/Ped726.

Диссертация выполнена в Нукусском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета по адресу (www.karsu.uz) и Информационно-образовательном портале Ziyonet по адресу (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Насриддинов Комилжон Рахматович
доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты: Рўзиев Эркин Искендарович
доктор педагогических наук, профессор

Тагаев Марат Баймуратович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация: Навоийский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится «19» сентября 2019 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.28.12.2017.Ped. 20.02 при Каракалпакском государственном университете, Нукусском государственном педагогическом институте, Ургенчском государственном университете. (Адрес: 230112, город Нукус, улица Академика Ч. Абдирова, дом №1. Тел.: (+99861) 223-60-47; факс: (99861) 223-60-78; e-mail: karsu_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского государственного университета (зарегистрирована за №18). (Адрес: 230112, город Нукус, улица Академика Ч. Абдирова, дом №1. Тел.: (+99861) 223-60-47; факс: (99861) 223-60-78.

Автореферат диссертации разослан «5» сентября 2019 года (реестр протокола рассылки № 18 от 5 сентября 2019 года.)



Ж. Базарбаев

Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
докт. филос. наук., академик

З. К. Курбаниязова

Секретарь научного совета
по присуждению ученых
степеней, к.п.н., доцент

Э. И. Рўзиев

Председатель Научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.п.н., профессор

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире система подготовки высококвалифицированных специалистов, предъявляемые к ним требования общества постоянно развиваются на основе использования в образовательном процессе возможностей технических средств обучения, а также современных информационных и педагогических технологий. В особенности, приобретает особое значение совершенствование профессиональной подготовки студентов по электротехнике, радиотехнике и электронике. В частности, большое внимание уделяется целевой подготовке студентов к системе обучения, основанной методом STEAM (наука, технология, инжиниринг, искусство, математика). Развитие физической грамотности будущих учителей предмета технологии составляет важный компонент профессиональной компетентности.

В мире проводятся исследования по повышению эффективности преподавания естественных и технических наук, совершенствованию профессиональной подготовки студентов путем широкого использования современных информационных и педагогических технологий. Вместе с тем, существует особая необходимость в совершенствовании интегративных технологий развития технологической подготовки студентов, развитии коммуникативной компетентности будущих учителей предмета технологии на основе интерактивных программных средств. В особенности, большое значение приобретают достижение полного освоения физических знаний в развитии технического творчества студентов, разработка методического обеспечения воспитания способности эффективного применения физических процессов в технологическую сферу.

В Узбекистане на основе международных программ оценки (PISA, TIMSS) большое внимание уделяется формированию у учащихся опорных компетенций по естественным наукам, использованию цифровых технологий при подготовке студентов к профессионально-педагогической деятельности. Вместе с тем, возникает необходимость совершенствования педагогических механизмов индивидуализации образовательных процессов на основе цифровых технологий, развития услуг дистанционного обучения, широкого внедрения в практику технологий вебинаров, онлайн, «blended learning», «flipped classroom». В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены такие важные задачи, как «дальнейшее совершенствование системы непрерывного образования, продолжение политики подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда».¹ Это требует совершенствования требований, предъявляемых к содержанию и качеству повышения профессиональной подготовки студентов направления трудового обучения по электротехнике, радиотехнике и электронике, а также уточнения их методических предпосылок и условий.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года УП-4947. – Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017, № 6, ст. 70.

Данное диссертационное исследование в значительной степени служит реализации задач, определенных в Законе Республики Узбекистан «Об информатизации», указах Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № УП-4947, «О мерах по коренному улучшению условий для развития отрасли информационных технологий в республике» от 30 июня 2017 года № УП-5099, постановлении главы государства «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности образовательных учреждений среднего специального, профессионального образования» от 14 марта 2017 года № ПП-2829, а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Вопросы формирования профессиональной подготовки будущих специалистов в образовательном процессе нашли свое отражение в исследованиях ученых нашей страны Р.Х.Джураева, У.И.Иноятова, Р.Г.Исянова, Н.А.Муслимова, К.Т.Олимова, У.К.Толипова, С.Т.Тургунова, А.Р.Ходжабоева, Ш.С.Шарипова, М.Б.Урозовой; внедрения информационно-коммуникационных технологий в образовательный процесс — А.А.Абдукодирова, А.Х.Абдуллаева, М.Х.Алламбергеновой, М.Арипова, У.Ш.Бегимкулова, Ф.М.Закировой, Н.И.Тайлакова, У.Ю.Юлдашева и С.С.Гуломова.

В научных трудах ученых из стран Содружества Независимых Государств (СНГ) А.А.Володина, Д.Д.Дондокова, А.А.Евсюкова, А.А.Касьянова, С.А.Клеева, В.М.Никифоровой, В.С.Самсонова, Д.Я.Тамарчак и других исследованы задачи совершенствования преподавания трудового обучения, использования информационных технологии в систематизации технологических учебных материалов.

В зарубежных странах исследования по внедрению педагогических и информационных технологий в образовательном процессе осуществлены учеными Bent V.Andrese, L.Antonakos, Micro-Cap V.James, Cecília Sík Lányi, D.Moursund, Tay Vaughan, R.Zappone.

Согласно анализу вышеупомянутых исследований мы видим, что в нашей стране и за рубежом особое внимание уделяется и проводится ряд работ по формированию профессиональной подготовки специалистов, коренным образом реформируется качество образования, в систему образования внедряются новые подходы. Однако необходимо отметить, что увеличение требований в быстро обновляющемся информационном веке, совершенствование рынка технического и программного обеспечения, совершенствование профессиональной подготовки по

общефессиональным предметам будущих педагогических кадров трудового обучения как фактор экономного их использования подробно не изучены и ждущих своего решения проблем в этой сфере достаточно.

Связь диссертационного исследования с планом научно-исследовательских работ высшего учебного заведения, где выполнена диссертация. Диссертационная работа выполнена в рамках плана научно-исследовательских работ Нукусского государственного педагогического института по теме «Развитие у студентов направления трудового обучения профессиональной компетентности на основе инновационных образовательных технологий» (2015-2019 гг).

Цель исследования состоит из совершенствования профессиональной подготовки студентов направления трудового обучения по электротехнике, радиотехнике и электронике.

Задачи исследования:

